

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Почта ва электр алоқаси узок вақтдан буйн ягона мажмуа сифатида фаолият кўрсатиб келарди. У аҳоли, бошқарув ва хўжалик идораларининг мингга яқин хизмат турларига бўлган эҳтиёжини қондиришга даъват этилган. Тармоқда қорхоналар таркиби шундай қурилган эдики, қорихордан кўйиғача, яъни Вазириқдан туман алоқа узеллари ва кишлоқ алоқа бўлимларига ягона раҳбарият, счотлар, баланслар, мол-мулк, даромадлар ва харажатлар билан бир бутун идора таркибига кирарди.

Тармоқнинг ички бўлимлари — почта, телеграф, телефон, радио ва телевидение узларининг хусусий вазибаларини бажарарди. Уларнинг ҳар бири ўз имкониятлари доирасида даромад олар, харажатларни амалга оширарди, «Қозон» эса ҳамма учун умумий эди. Бир ички бўлима кўнчча молиявий жиҳатдан иши бирмунча юришиб турган бошқа ички бўлимадан маблағ олиб турарди.

Бозор иқтисодиётига ўтишли билан тармоқнинг ағаслаштирилган хўжалиғида чегараланишни амалга ошириш масаласи қатъий ҳалиб қўйилди. Хар бир қорихона зарар кўрмасдан ва қарз олмасдан ишлашни, ўзи учун меҳнат жамоаларининг иқтисодий муҳофазаланишини қўлаб-қувватлаш учун, ниҳоят, ўз фаолиятини жаҳон меъзолигига жавоб бераоладиган даражада ташкил этиш учун соҳани ривожлантириш ва тақомиллаштириш мақсадида маблағ жамғариши ўрганиши асосий вазибаси бўлиб қолди.

МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда почта алоқасининг электр алоқасидан ажратилиш тўғрисидаги фикрга келинди. Уларнинг турлича қувватлари ва имкониятлари, бир томондан жаҳон таърибаси ҳам шундай қарорнинг муқаррарлигини тасдиқламоқда эди. Шундай қилиб, 1992 йили республика почта алоқаси телефон-телеграф ва радио-телевизион алоқадан ажралиб чиқиб, мустақил бўлди. У «Ўзбекистон почтаси» концерни (хўзир-акциядорлик компанияси) раҳбарлиғида жойларда — вилоят ва туман почта қорхоналари ва филиаллари, почта алоқаси бўлимлари тармоқи мустақил фаолият юрита бошлади. Эҳ, бу бўлишни қанчалар мураккаб бўлиб чиқди-я! Агар электр алоқаси ички бўлими ўз савий-харажатларидаги эркинлик ва ривожланиш ҳамда таъмирлашни катта-катта лойиҳаларини рўйбга чиқариш учун очилган имкониятларни дарҳол хис қилган бўлса, почта алоқасида дастлабки пайларда хизматлар ҳажми ва турининг камайиб кетиши, тармоқ ва ходимларнинг қисқариши, сифат маъсаларининг сустайиши устунлик қилди. Бироқ, асосийси, почта қорхоналари ниҳоятда оғир молиявий аҳолга тушиб қолди. Эндиликда улар алоқанинг бошқа ички тармоқларидан оладиган «Чапараста» дотациясиз қолди, фақат улар ишлаб топган маблағ ҳисобига кун қуришарди. У эса ниҳоятда етишмасди. Хизматларнинг айрим турлари, масалан, электр алоқаси билан боғлиқларини «тушириб қолди-

ларко телефон сўзлашувлари учун талонларни сотиш ва шў қабилашни таъминлаш кўзда тутилган. Сўхбатдошимиз — «Тошкент почтаси» акциядорлик жамиятининг директори Р. Зикиров тузилган ва ҳозирда амалга оширилаётган шартноманинг айрим жиҳатлари ҳақида муфассалроқ сўзлаб берди.

— Бозор талабларига амал қила бориб, — дейди Раҳмонберди Эгамович, — аҳоли ва қорхоналарга хизмат кўрсатишни ташкил этиш «механизмлари» ва ишларни келишилган ҳолда бажаришга ҳақ тўлаш, зиммага олинган мажбуриятларни бажармаганлик учун масъулият ҳусусида ҳам шартлашиб олди. Чўнччи, битта телеграммани етказиб берганлик учун «Тошкент Телеком» — «Тошкент почтаси» АЖ қорхоналарига 15 сўм телеграммаларни қабул қилиб олганлик учун эса тўлов миқдорининг 10 фоизини тўлайди, шаҳарлараро телефон сўзлашуви учун почтачилар тўлов қийматининг 5 фоизи миқдорда ҳақ оладилар. Бироқ, шартлар бузилган тақдирда, почта қорхоналаридан етказиб беришда йўл қўйилган хар бир кўсур учун 50 сўм ундириб олинади.

Бу шартнома — кўпчунча бир бинода жойлашган, лекин турли «чўнтак» эга бўлган почта ва телекомуникациялар алоқачиларининг ўзаро муносабатларида янгиликдир. Хўжатларда санаб ўтилган хизматларнинг оммавийлигини, ҳисобга олган ҳолда почта қорхоналаридан даромадлари муайян даражада кўпайишига умид боғлаш мумкин. Тўғри, иш ҳам кўпаяди. Лекин фойдани фақат алоқачиларига эмас, аввало, аҳоли, айниқса, кишлоқ аҳолиси кўради. Энди телефон учун ҳақ тўлагани, бошқа шаҳарда яшовчи қариндошлар билан гаплашгани узсўжа боришга ҳоҳат йўқ. Бу ишларнинг ҳаммасини энг яқин почта бўлимида амалга ошириш мумкин. «Тошкент Телеком» АЖ хар бир алоқа бўлимида телефонлар, телеграф алоқаси бунқондан унумли фойдаланиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида» қонунини вилоятда қандай бажарилаётгани, ердан, айниқса, сўғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.


Бу шартнома кўчга кирган дастлабки ойлар унинг мақсадида мувофиқлигини ва самарали эканлигини кўрсатмоқда. Алоқа хизматлари кўпроқ кўрсатила бошланди, даромадлар кўпайди, аҳоли бунларнинг ҳаммаси учун ўз миннатдорчилигини билдирмоқда.

Вилоятнинг ички алоқа акциядорлик жамиятида эса кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш, почта ва телекомуникация ҳосасида энг янги технологияларни жорий қилиш асосида оммавий хизмат кўрсатишни янги турларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

А. КУДИНОВ.



Мамлакатимизнинг солиқ идораларига ҳар томонлама билимли, ўз ишини ташкил этишнинг замонавий технологиясини эгаллаб олган ёш ходимлар кўпайиб бормоқда. Ёш мутахассис Садокат Бердиева ана шунларнинг бири. У Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармасида хизмат қилаётир. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан солиқ ундириш чоғида йўл қўйилган ҳеч бир нуқсон зийрак мутахассиснинг синчков на-



заридан четда қолмайди. Тиниб-тинчимас, талабчан бу ҳодима аҳоли ўртасида солиқ қўнунчилиғи асосларини тарғиб қилишда ҳам фаол қатнашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

Тошкент вилояти пиллакорлари илқ кўрти парваришини бошлади. Режадаги 22 миң 600 қўти илқ кўртининг асосий қисми жонлантирилиб, пиллакорларга етказиб берилди. Жорий йилда 1050 тонна сифатли хомашё топширишга эришилган пиллакорлар аввас маблағлари, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Айни вақтда ипакчилик озуқа базасини мустаҳкамлаш чоралари ҳам қўрилатир. Хўсуван, хўжаликлар иқтисодиёти мажмуа тўғрисида пиллачилик қорхоналарига узок муддатга ижарага берилмоқда.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири

Жиззаха вилоят-ти ҳокимлиғида пахта, галла ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларни еттиштиришни кўпайтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ГЕКТАРЛАР ТЎЛИК БЎЛСИН

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиев бошқарган ўшбу йиғилишда чигитни ҳамма жойда бир текис ундириб олиш, галлани озиклантириш, сўғориш ва бегона ўтдан тозалаш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида» қонунини вилоятда қандай бажарилаётгани, ердан, айниқса, сўғориладиган майдонлардан унумли фойдаланиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Йўлчи ЖўРА,
ЎЗА мухбири

СОЛИҚҚА «СОЗАНДА» КЕРАКМИ?

Мамлакатимиз молия тизимининг илғини тўлашда солиқчилар иши нечоғли муҳим эканлиғи ҳаммага аён. Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган ўтказилган мажлисида бу масалага алоҳида тўхталиб, «Солиқда кимлар ишлаяпти?» деган саволни ўртага қўйдилар.

Ҳўш, солиқ идораларида кимлар, қайси ихтисослик эгалари фаолият кўрсатмоқда? Ушбу саволга жавоб олиш учун Шўманай туман давлат солиқ идорасида бўлиб, муассаса ходимларига доир маълумотлар билан танишдик. Дарвоқе, назорлик жамоаси орасида Тошкент Молия институти, Қорақалпоғистон Давлат университети, Самарқанд Архитектура-қурилиш институти, Россия Федерацияси ўқув юртлари, бошқа қатор олий ва ўрта махус ўқув юртларини битирган мутахассислар бор.

Нозирлиқнинг бир қанча лавозимлари малакали мутахассислар ишлаётганлиги билан бир қаторда соҳага мутахассислар йўқ ходимлар ишлаётганлиги ҳам сир эмас. Мисол учун, «Ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш бўлими»нинг бошлиғи лавозимида бори-йўғи ўрта махус маълумотга эга мутахассис ишламоқда. Аммо бизни бундан ҳам кўра таажжубга солган ҳолат шў бўлдики, ушбу муассасада нозир лавозимида Нукус маданиятга эга мутахассислар ишламоқда. Шундай экан, бу муҳим муассасаларда фақат махус маълумот, тегишли малака, ихтисосга эга бўлган мутахассисларгина ишлаши керак эмасми?

Тўғри, бевосита солиқ соҳасида тайёрланаётган мутахассислар етишмаслиғи бор гап. Солиқ идорасида ҳуқуқ, иқтисодиёт каби ихтисосликка эга мутахассислар ишлаша унча ажабланмаслик мумкин. Лекин санъат бўйича маълумот олган одам ҳисобдан адашмайди деб ким қафолат беради?

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2000 йил 25 апрелдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати кийматини белгилади. /

1 Австралия доллари	88,58
1 Аустрия шиллинги	10,18
1 Англия фунт стерлинги	238,17
10 Бельгия франки	34,74
1 Голландия гульдени	63,59
10 Греция драхмаси	4,18
1 Дания крониси	18,80
1 БНА дирхами	40,67
1 АКШ доллари	149,38
1 Миср фунти	43,61
10 Испания песети	8,42
100 Италия лираси	7,24
1 Канада доллари	101,40
1 Хитой юани	18,04
10 Люксембург франки	34,74
1 Малайзия ринггити	39,31
1 Германия маркиси	71,65
1 Польша злотисиси	34,81
1 СДР	199,89
1000 Туркия лираси	0,25
1 Финляндия маркиси	23,57
1 Франция франки	21,36
1 Швейцария франки	89,18
1 ЕВРО	140,13
10 Жанубий Корея вони	1,35
1 Япония иенаси	14,14
1 Россия рубли	5,23
1 Украина гривнеси	27,56

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мажур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

«Халқ сўзи» фўқаролар хизматига ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ, ДЎХТИР!

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи фўқаро А.Ғиёсов бетоблиғи туфайли уйига шифокор қаҳирган. Лекин участка терапевти А.Халилов бормоган. Эртасига беморнинг ўзи унинг хузурига борган. Врач эса ишга бир соат кечикиб келган, кечини сураш ўрнига беморга қўпол муомалада бўлган. А.Ғиёсовга уч йил дори тавсия қилган. Кейинчалик амиклинишчи, улардан иккитаси беморга тексари ташсир қилар экан.

Наманганлик фўқародан келган шикоят хатида ана шўлар ҳақида сўз борган эди. Ушбу ҳолатга баҳо бериш масаласи вилоят соғлиқ сақлаш бошқармасига ҳавола этилганди. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари жаноб М.Раҳмоновнинг тахририятга хабар беришича, шикоят хати шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг махус буйруги билан ташкил қилинган комиссия томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган, бемор билан сўхбат ўтказилди.

Хатда келтирилган камчиликлар асосан тасдиқланган. Текшириш натижаси бўйича шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруги билан 3-поликлиника участка терапевти А.Халиловга хизмат вазибасига совуқонлик билан қарагани, беморга қўпол муомалада бўлгани учун ойлқ иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида жазима солинди.

3-поликлиника мудираси М.Саримсоқова, терапевт бўлимининг мудираси Г.Шомуродоваларга ҳудуд врачлари ишини етарли назорат қилмаганлиқлари учун, 3-бирлашган шифоҳона бош врач А.Самимовга ўз вақтда ушбу салбий ҳолатга муносив баҳо бериб, тегишли чора кўрмаганилиғи учун хайфсан эълон қилинган.

СОТИБ ЁКИ ИЖАРАГА ОЛАМИЗ:

- ЁҒОЧ ТАГЛИКЛАР (Европа стандарти) — 1000 донга миқдорида.
- АВТОЮКЛАГИЧ уч тонна юк кўтарадигани (барча ёқилғи турларида ишлайдў).
- КОНТЕЙНЕРЛАР — 20-40 фунтли

Тел.: (371) 173-60-20, Пейджер (067) 6355. Маъмурий бўлим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА ҚИСКА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ «ЯНГИ АВЛОД» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Йилига 36% даромад келтирадиган омонатга маблағлар шў йил 17 апрелдан 20 декабргача қабул қилинади (даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).

Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар кўйилмангизга кўшилиб боради, фоизлар эса капиталлаштирилади.

Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади. Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.

«Таътил» омонати (3 ой муддатли) бўйича фоиз ставкалари оширилиб, йилига 36%, ҳар ойда капиталлаштириш эса - йилига 42,6% бўлганлиғи тўғрисида ҳам маълум қиламиз.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянғиз даромадчилиғи ва сақланишига қафолатдўр.

Қўшимча маълумотларни кўйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истадан бўлим ва филиалдан олишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 2000-2001 ўқув йилига докторантура ва аспирантурага танлов эълон қилади.

Докторантура:
I. 15. 00. 01. - дори турлари технологияси ва фармация ишини ташкил қилиш - 1 ўрин;
II. 15. 00. 02. - фармацевтик кимё ва фармакогнозия - 1 ўрин.

Аспирантура:
I. 15. 00. 01. - дори турлари технологияси ва фармация ишини ташкил қилиш - 1 ўрин;
II. 11. 15. 00. 02. - фармацевтик кимё ва фармакогнозия - 1 ўрин.

Хўжатлар танлов эълон қилингандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ойбек шоҳқўчаси, 45-ўй. ТЕЛЕФОН: 56-37-38, 56-39-54, 152-67-62.

Соғлиқни сақлаш вазирилик Онкология ва радиология институти ходимлари, клиника реанимация бўлими шифокорлари

Анвар НУРУЛЛАЕВИНИ бевақт вафот этгани билан мўрхунинг онла аъзоларига ва яқинларига чўқур таъзия нўҳор этилди.

Абдулло Қодирий номидан Тошкент Давлат маданият институти жамоаси институти кўтўб-хонаси мудир Мاستура Хўжаевага уқас

Салҳамид МУРОДОВНИНГ бевақт вафот этгани билан унинг онла аъзоларига чўқур таъзия нўҳор этиди.

Хушxabар
ЖАХОН
ЧЕМПИОНАТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎТҚАЗИЛАДИ

Хушxabарнинг қаноти бор, деб шунга айтсалар керак-да. 2001 йилнинг август ойида Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилиши тўғрисидаги хабар дақиқалар ичида бутун дунёга тарқалди.

Халқаро хаваскор курашчилар ассоциацияси (ФИЛА)нинг бундай қарорга келиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Биринчидан, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилади. Иккинчидан, Тошкентда бир неча

бор ўтказилган «Мустақиллик кубоги» бахслари, Осиё чемпионати беллашувлари жуда юксак савияда ташкил этилди. Мусобақа иштирокчиларининг кўтиб олинishiю жойлашишидан тортиб, ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари вакилларига энг юқори қулайликлар яратилди.

Мусобақалар ўтказилган мажмуаларимиз шароитлари ҳам жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради. Энг асосийси, Ўзбекистон фарзандлари дунё спорти сахнасида ўзларининг қатъий сўзини айта бошладилар. Демак, ҳали бунча жаҳон чемпионатлари юртимизда қўллаб ўтказилади.

МАЙДОН
АЖОРАТ
АТОНАТ

Самарқандда Оби Машатни билмайдиганлар топилмас керак. Бу маҳалла одамларининг инқилиғи, бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, саранжом-саришталиги билан тилга тушган, вилоят миқёсидаги бир неча танловлар ғолиби бўлган. Ҳаммасидан ҳам бу ерда спортни ривожлантиришга эътибор кучли. Беш йилдирки, маҳалла ўзининг спорт соғломлаштириш марказига эга. Унда биргина маҳалла бўйича эмас, шаҳар миқёсидаги турли мусобақалар ўтказилиши одат тусига кириб қолган. Уларнинг аксарий қисмида мезбонларнинг қўли баланд келади.

МАҲАЛЛА
ОҚСОҚОЛИНИНГ ҲОВЛИСИ

спорт майдонини эслатади

Кўпчилик бундай ютуқларни маҳаллага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон Аҳмедовнинг оқсоқлик қилаётганлиги билан боғлашади. Тўғри, бу борада тиниб-тинчимас Мамажон аканинг хизматлари катта. Ёшларни спорт ўйинларига жалб этиш борасида у донишманд равишда жон куйдиради. Хатто ҳовлиси ҳам спорт майдонини эслатади. Бир тарафда болалар турникда машғул ўтказишга бўлса, иккинчи тарафда кимлардир тош кўтариш билан банд. Миллий кураш, каратэ, бокс ва яна қанчалар спорт турлари билан шуғулланишга ҳам имконият бор. Эҳтимол, маъзур маҳалладан қўллаб спорт усталарининг етишиб чиқаётганлиги ҳам айнан Мамажон ака ҳонадони билан боғлиқдир.

Спорт билан шуғулланганининг вақти бекорга ўтмайди. — дейди Мамажон ака. — Аввало, соғлом бўлади. Бугунги экологик вазият, иккинчи даражадаги иқлим, энг ёмони, гиёҳвандлик хавфи ёш авлод саломатлигига пуғур ётказаяпти. Спортнинг ҳар бир ютуғи маҳалланинг, мамлакатнинг обрўсини кўтаради. Юртимизда ташаббуслари билан жаҳон спорт ўйинларига қўшилган ўзбек кураши не-не полвонларимизни

оламга танитди. Маҳаллада спортга азалдан эътибор қаратилган. Ўз даврида эл назарига тушган Ҳожимуҳаммад полвон, Маъруф полвон, Аҳмад полвон, Маъруф полвонларнинг ўз мактаблари бўлган. Бугун маҳаллага оқсоқлик қилаётган Мамажон Аҳмедов ана шу мактабнинг давомчиларидан. Бугун у бошчилигида 18 нафар спорт устаси соғломлаштириш марказида ёшларга устозлик қилишяпти. Улар марказ ишичи бошқариш билан ҳар йили маҳалладошлари Аҳмад Ҳамроқуллов хотирасига бағишлаб оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтказишади.

Спорт масканида қўшни маҳаллаларнинг болалари ҳам спорт турлари билан шуғулланишади. Бу маҳалла ёшлари ўртасида ахилликни таъминлайди. Президентимиз таъбири билан айтсак, маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади, энг адолатли муҳит, энг адолатли иқтисодий вазият ана шу ерда қарор топади. Демак, спортнинг ривожланишида, соғлом авлод тарбияси йўлида ҳам маҳалланинг имкониятлари чексиз. Бунга биргина Оби Машат маҳалласи мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Футбол: ОЛИЙ ЛИГА
«НЕФТЧИ»НИНГ
МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича мамлакат IX миллий чемпионатининг 8-тур бахслари қўтилмаган натижаларга бой бўлди. Бу ўринда, даставвал, «Нефтчи»нинг аламли мағлубияти тилга олиш жоиз. Сабаби шундаки, фарғоналиклар ҳисобни тенглаштириш учун 99 фоизлик имконият — пенальтидан фойдалана олишмади. Шу тарихда унинг 23 дақиқасида самарқандлик М.Мухаммадиев киритган тўп ягоналигича қолди.

«Нефтчи» ўз уйида очко улашган бўлса, «Навбахор» футболчилари меҳмонда доғда қолди. Улар Қаршида «Насаф»дан 3:2 ҳисобида

мағлубиятга учрашди. Яна бир қўтилмаган ҳисоб Гулистонда қайд этилди. Олий лига дебютанти — «Семурғ»нинг тўп усталари майдон эгаларини бош эгизга мажбур қилишди — 1:2.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Дўстлик» — 0:3; «Трактор» — «Кимёгар» — 0:0; «Сўғдиёна» — «Пахтакор» — 0:2; «Хоразм» — «Буҳоро» — 0:1; «Турон» — «Қизилқум» — 0:0; «Сурхон» — «Темирйўли» — 1:0; «Андижон» — «Зарафшон» — 3:0. Турнир жадвалини 20 очко жағмарган «Дўстлик» бошқариб бормоқда. «Насаф» ва «Самарқанд» жамоалари кейинги поғоналарни банд этишган. Лигадаги навбатдаги тур бахслари 29 апрел, шанба кўни бўлиб ўтади.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.


ЯНГИ ЗАМОН
БОЛАЛАРИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг дунёга келган болалар бузув 9 ёшга тўлиб, 10 ёшга қадам қўйди. Истиқлол фарзандлари бўлган бу ёш авлод мутлақо бошқача муҳитда тарбия топиб, ўсиб-ўзаймоқда. Шу боис уларнинг тафаккури, дунёқараши ҳам ўзгача. Улар борлиқни, Ватан тўғрисидаги энг неҳож билан идрок этишмоқда. Муҳими, бузун улар ақлини топиб, мустақил фикрлай бошладилар.

— 23 йилдан буён бошланғич синфларга дарс ўтатиш, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Ақмак Икромов номидаги 102-мактаб ўқитувчиси Абдухон Бобомухаммадов. — Лекин истиқлолдан кейинги фаолиятим билан алоҳида фахрланаман. Негаки, мустақил юртимиз фарзандлари, Янги замон болалари ва билим берилган. Энг қувонарлиси, улар халқимизга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб овоза етмоқда.

Суратда: тажрибали ўқитувчи Абдухон Бобомухаммадов дарс пайтида.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



Кадамжо
АБАДИЙЛИК

Юнус Ражабий — ўзбек миллий мусиқа санъатининг етуқ намояндаларидан биридир. Буюк аллома, улкан бастакор, бетақдор ижод соҳиб-и ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини мусиқа меросини ўрганиши, уни асраб-авайлашга бахш этди. Ўзбек аънаваний мусикасининг ўрганилиши, қайта жонланиши, оҳанграбо тасмаларига муҳрланишида бош-қош бўлди.

Ижодини оддий созандаликдан бошлаган санъаткор Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги даражасига эришди. Халқ мусикасини ўрганиши ва нотага ёзиш XX аср ўзбек мусикашунослигининг ўзига ҳо йўналишларидан бирига айланди. Кўпгина мусикашунос олимлар, устозлар анъаналарини давом эттирган Юнус Ражабий халқ мусика намуналарини йўлга қўйди. Саккокий, Навоий, Атоий, Бобур, Ҳазрат, Шайхонтоҳур каби кўпгина мутлоқ шеърларнинг газалларига мусикалар ёзди. «Ушшоқ», «Талқини Баёт», «Баёт 1-2», «Қошиқ», «Кўча боғи 1-2» сингари ўнлаб ашулаларнинг моҳирона ижроси сифатида шуҳрат қозонди. Ижодининг энг ноёб намуналари «Раъноланмасин», «Кокилин», «Ишқ», «Не наво соз айлағай», «Жудо», «Қадах», «Мақтуб», «Куйгай», «Ҳажрингда», «Найлағайман» каби ашулалари халқимиз юрагига чуқур кириб борди. У «Мусикамига бир назар» китобини ёзди, олтига улкан мақом — «Шашмақом»ни нотага туширди, турли мавзуларда 200 дан ортиқ қўй ва ашулалар яратди.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Навоий Астарободда», «Муқанна» каби драмаларга мусикалар ёзди. Пойтахтимиз марказидаги сўлим ва сокин гўшалардан бири — ҳозирда Юнус Ражабий номи билан юритиладиган кўчада жойлашган уйга йўлингиз тушганими? Ана шу жойда улкан санъаткор яшаб, ижод этган. Бу аср мақомдонидеб ном олган буюк санъаткорнинг уйд-музейи. Бу даргоҳа келиш ва алломага жойларни кўришни болалардан орзу қилардим. Уй-музейга қадам қўйганимда вужудим ҳажжон камраб олди. Ешлигимдан мусиқа санъатини севганим сабаб бу кўтлуг даргоҳдан бир олам қувонч олишимни ҳис қилардим. Уй-музей санъат шайдолари билан гавжум эди. Кираверишдан ўнг томонда Юнус Ражабийнинг хос хоналари бўлиб, каттагина ёзув столи устида чойнак-пиёла, дутор, ноталар дафтари, стул, китоб тўла жапон, илгичда кийимлари, диванча жой тўшалган. Ҳузурга келган зиёратчиларни устознинг ўзи чиқиб кўтиб оладигандай туюлади. Юқори қаватдаги хоналарнинг бирини ҳам китоблар, ноёб фотосуратлар мусиқа асбоблари, пластинка-

лар, кўлёмалар, нота ёзувлари, аллома тўплаб нашрга тайёрлаган китоблар, барибери мумтоз санъатимиз намояндаси Ю.Ражабийнинг халқимиз қанчалар севиб ардоқлашди, бу ноёб санъатнинг нақадар қадимийлигидан гувоҳлик бериб турибди. Уй-музейдаги мусиқа асбобларининг ўзи сон-саноксиз. Бу ердаги ҳамими нарсаларга Ражабийдек улкан санъаткорнинг қўллари теккан, нигоҳи тушган. Уй-музейга санъаткорнинг ўгли Ҳасан Ражабий раҳбарлик қилиб келмоқда. Зиёратчиларга музей бўйлаб экскурсия ўтказиш, устоз алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сузлаб, у ҳақда яратилган фильмлар ёзиб олинган видеокассетларни қўйиб берадилар. Санъаткор ижро этган ашулаларни кассета-ларда ошитишнинг мумкин. Музейда яна бир диққатингизни жалб қиладиган нараса, аjoyиб мусиқа шажараси бор. Бу шажара 1927 йилда Ҳулум Зафарий томонидан тузилган. Шажарада мусиқа санъатида буюк устоз даражасига етиб, халқ қалбида мангута эш қолдирган санъаткорлар номи ўрин олган. Халқимиз онгидан миллий гурур, ифтихор туйғуларини юксалтиришда уй-музейларнинг аҳамияти катта. Мусиқий хазинамига ўлмас асарлари билан ҳисса қўшган машҳур санъаткорнинг хотираси абадий. Устоз яшаган бино бу омонат дунёда згзулик, абадийлик тимсоли бўлиб қад ролслаб турибди.

Фотима АБДУҚАҲҲОР қизи, талаба.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИНОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Хукук — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Ҳатлар — 136-29-89;
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамада операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳих — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.25
1 2 3 4 5 6

Advertisement for Gallabank. Includes logo, bank name, and details about share subscription and company registration. Key text: 'Республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки «ГАЛЛАБАНК» ўз акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади. КҮН ТАРТИБИ: 1. РИАТБ «Галлабанк»нинг 1999 йилги фаолиятининг яқунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг 1 сессиясидаги маърузаси ҳамда 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган ҳамда банкнинг 2000 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида. 2. РИАТБ «Галлабанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. 3. Банкнинг 1999 йилги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда олинган фойдани тақсимлаш. 4. Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари таркибларини қайта кўриб чиқиш. 5. Банк Низомига ўзгартириш киритиш ва Устав капиталини ошириш тўғрисида. 6. Банкнинг 2000 йил фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида. 7. Турли масалалар. Мажлис 2000 йил 27 май кўни соат 10:00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, «Ўздонмахсулот» давлат акциядорлик корпорациясининг биноси. Анжуман қатнашчилари 2000 йил 27 май кўни соат 9:00 дан 9:45 гача рўйхатга олинади. Қўшимча маълумот ҳамда фикр-мулоҳазаларингизни билдириш учун телефонлар: 136-16-17, 136-38-29, 136-11-05. РИАТБ «Галлабанк» Кенгаши. Умумий мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш хайъати.

Advertisement for Tashor Oтаж. Includes details about share subscription and a balance sheet. Key text: «ТАШОР» ОТАЖ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2000 йилнинг 20 май кўни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, А.Каримов кўчасидаги 5-уйда ўтказилишини маълум қилади. КҮН ТАРТИБИ: 1. Бошқарувнинг жамиятнинг 1999 йилги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг яқунлари тўғрисидаги ҳисоботи, 2000 йил учун асосий йўналишлар ва техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда акциядорлик жамиятини молиявий соғломлаштириш режаси ҳақида. 2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. 3. Йиллик балансни тасдиқлаш. 4. Кузатувчилар кенгаши, бошқарув ва тафтиш комиссияси таркибларини сайлаш. 5. Турли масалалар. «ТашОР» очик турдаги акциядорлик жамиятининг 2000 йил 1 январ ҳолати бўйича БАЛАНСИ

Table with columns: Кўрсаткичлар номи, Сальдо, минг сўм. (Актив, Пассив). Rows include: 1. Асосий воситалар (25396), 2. Узоқ муддатли маблағ ажратмалари (33279), 3. Ишлаб чиқариш заҳиралари ва харажатлари, маблағлар (78071), 4. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (44506), 5. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар (- 107819), 6. Низомий жамғарма (- 22578), 7. Қўшимча заҳира сармояс (- 11147), 8. Тақсимланманган фойда (- 10640), 9. Бошқа қисқа муддатли пасивлар (- 29068). Totals: 181252, 181252.

1999 йил балансининг тўғрилиги «Ўзбекқшлоқтаъминоттаъмир» ГФК аудиторлик маркази томонидан тасдиқланган. 1999 йилнинг молиявий яқунлари: Олинган даромадлар (зарарлар) сўм ҳисобида — 13078; Фойда ҳисобига солиқ ёзилган — 8215; ДСН текширишлари яқунларига кўра фойда солиғи миқдорининг камайtirилгани — +2249; Ҳисобот даври якуни — 19044.